

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АЛМАТОВ БАХРОМ ИБРАГИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ СУВ ОМБОРЛАРИ СУВИДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ ВА МИКРОБИОЛОГИК
МОНИТОРИНГ МЕХАНИЗМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

03.00.04 - Микробиология ва вирусология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Алматов Бахром Ибрагимович

Ўзбекистоннинг сув омборлари сувидан фойдаланиш
самарадорлигини илмий асослаш ва микробиологик
мониторинг механизмини ишлаб чиқиш 5

Алматов Бахром Ибрагимович

Научное обоснование эффективности водопользования
водохранилищ Узбекистана и разработка механизма
микробиологического мониторинга 25

Almatov Bahrom Ibragimovich

Scientific basis for water use efficiency of reservoirs
Uzbekistan and the development of a microbiological
monitoring 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АЛМАТОВ БАХРОМ ИБРАГИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ СУВ ОМБОРЛАРИ СУВИДАН ФОЙДАЛАНИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ ВА МИКРОБИОЛОГИК
МОНИТОРИНГ МЕХАНИЗМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

03.00.04 - Микробиология ва вирусология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib185 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуралиев Неккадам Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эшбоев Эгамберди Хусанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Нарбаева Хуршида Сапарбаевна
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: +99871 150-78-25).

Диссертация автореферати 2019 йил « _____ » _____ куни тарқатилди.
(2018 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Л.Н.Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У.Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Б.М.Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Маълумки, сув омборлари табиий-иқлимий объектлар сифатида планетамизнинг турли мамлакатлари худудлари ландшафтининг бир қисми бўлиб қолган. Бу сув объектлари табиатнинг кўпгина табиий жараёнларига, биринчи навбатда гидрометеорологик омилларга таъсири билан эътиборлидир. Ҳозирги вақтда «...аҳолининг хўжалик-ичимлик ва маданий-маиший зарурати учун манба сифатида сув омборларидан фойдаланиш вақт талабидир, ундан ташқари бу сув манбаларининг ўрни ўсимликлар вегетацияси даврида ирригация мақсадлари учун ҳам бекиёсдир»¹. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра «...89% инсонлар тоза ичимлик суви билан таъминланган бўлса, бир вақтнинг ўзида 68% санитариянинг мақсадли хизматларида сувдан фойдаланишган. Сувдан фойдаланишдаги ноқулай гигиеник ва микробиологик кўрсаткичларнинг издан чиқиши, дунё аҳолиси орасида диарея касалликлари сонини ошишига олиб келади. Африка ва Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари орасида ўлим кўрсаткичининг 60% хавфли сув манбалари, санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида юзага келган ичак касалликлари ҳисобига қайд қилинган»².

Шунинг учун гигиеник ва микробиологик жиҳатдан хавфсиз сув омборлари сувидан фойдаланиш самарадорлигини илмий асослаш ва микробиологик мониторинг механизмини ишлаб чиқиш бугунги кундаги ҳал қилиниши зарур долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда сув омборлари сувидан фойдаланиш самарадорлигини илмий асослаш ва микробиологик мониторинг механизмини ишлаб чиқиш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар, жумладан, турли сув омборлари суви микроб таркибига динамикада йил фаслларига боғлиқ ҳолдаги қиёсий тавсиф бериш, сув омборлари суви кимёвий таркиби мавсумий динамикаси, шунингдек сув муҳитидаги микроорганизмлар ва сув кимёвий таркиби параметрлари билан улар ўзаро боғлиқлигини баҳолашдан иборат. Сув манбаларидан фойдаланишга боғлиқ ҳолда турли типдаги сув омборлари суви гидробиологик ва паразитологик сифат кўрсаткичларини илмий асослаш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини илмий асослаш ва ҳар хил типдаги сув омборлари суви микробиологик мониторинги механизмини ишлаб чиқиш йил давомида сувнинг микроб, гидробиологик, паразитологик ва кимёвий таркибини ўрганишни ҳисобга олган ҳолда сув омборларидан фойдаланиш самарадорлиги бўйича, патоген ва шартли патоген микроорганизмлар униш даражасини асослаш, сув минерализациясининг ўзгаришига боғлиқлиги, сув омборлари суви микробиологик мониторинги механизми бўйича ҳам ишланмалар етишмаслиги барчаси танланган илмий тадқиқот йўналишининг муҳимлигини кўрсатади. Ушбу ҳолатнинг олдини

¹ Шеина Н.И., Жолдакова З.И. Проблема гигиенического нормирования биотехнологических штаммов в воде водоёмов // Гигиена и санитария. - Москва, 2010. - №5. - С.66-70.

² Сув ва санитария. ЖССТ йиллик маълумотлари ҳисоботлари, 2017 йил http://www.who.int/neglected_diseases/water-sanitation/en/

олиш ва ва тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, юқумли касалликларни эрта ташхислаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш...»³ муҳимлиги белгиланган. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, турли юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларга олиб келадиган хавф омилларини пасайтириш, сув омборлари сувини ифлосланишини олдини олиш механизминини ишлаб чиқиш, сув объектлари сувини кимёвий таркибининг илмий ва иқтисодий асосланган меъёрларини такомиллаштириш, аҳолининг сувдан самарали ва хавфсиз фойдаланишини яхшилаш зарур бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги (2016) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2910-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиё қадимги суғориладиган деҳқончилик минтақаси бўлиб, ҳозирги кунда сув ресурслари етишмовчилигини бошидан кечирмоқда, бу дефицитни қопламасдан эса минтақа ишлаб чиқариш кучларининг кейинги ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди (Шейна Н.И., 2010; Besmer M.D., Hammes F., 2016, Awad J., van Leeuwen J., Chow C.W., Smernik R.J., Anderson S.J., Cox J.W. 2017). Суғориладиган деҳқончиликнинг ривожланиши, қишлоқ хўжалигининг интенсификацияси, қишлоқ хўжалиги ерлари мелиорациясининг яхшиланиши сув ресурсларидан фойдаланишнинг ўсиши, уларни бошқариш, суғориладиган ҳудудларга сув оқимини йўналтириш сув омборлари барпо

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

этилишига асос бўлган (Шейна Н.И., 2010). Ҳозирги вақтда сув омборларининг қурилишига дунёнинг турли мамлакатларидаги мутахассислар ва аҳолининг муносабати турлича, баъзан қарама-қарши: бир томондан, улар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, сув, озиқ-овқат, энергия, дам олишга бўлган талабларини қондириш учун керак; бошқа томондан, улар табиатга ва тўғондан юқори ва пастдаги дарё ўзанларидан фойдаланиш шароитларига салбий таъсир этиши мумкин (Кальная О.И., Аюнова О.Д., 2010; Bowner K.H., 2011; Mirshina J.P., 2013; Wang W. et al., 2016, Awad J., van Leeuwen J., Chow C.W., Smernik R.J., Anderson S.J., Cox J.W. 2017).

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида 68 тадан ортиқ сув омборлари ишлатилапти, уларнинг тўлиқ лойиҳа ҳажми 18,867 км³ ни ташкил этади, фойдали ҳажми эса 14,855 км³. Ўзбекистон сув омборлари тўлдирилиш тавсифи бўйича қуйидагиларга бўлинади: ўзанли - дарёларни тўғонлар билан тўсишдан ҳосил бўладиган, тўлдириладиган-келтирувчи каналлардан тўладиган, аралаш - тўлдиришнинг иккала йўлини ўзида мужассамлайдиган (Ильинский И.И. ва ҳаммуал., 2012; Шоумаров С.Б. ва ҳаммуалл., 2013). Ҳар хил типдаги сув объектлари турли патоген ва шартли-патоген микроорганизмлар (ШПМ) учун табиий муҳит бўлиб ҳисобланмайди, улар сув манбаларига соғлом, бемор одамлар, ҳайвонлар жасадлари, ёмғир сувлари ва селлар орқали тушади (Мальцева Ю.М., 2010; Бозорова Г.Д. ва ҳаммуал., 2012; Ильинский И.И. ва ҳаммуал., 2012; Шоумаров С.Б. ва ҳаммуалл., 2013; Besmer M.D., Hammes F., 2016). Сув омборлари ҳам истисно бўлмай, амалий жиҳатдан барча микроорганизмлар сув муҳитига тушганда ҳалок бўлиши, аммо баъзи турлар маълум вақтгача тирик қолиши, баъзи шароитларда ушбу сув ҳавзаларида кўпайиш ҳам мумкин (Журавлев П.В., Алешня В.В., 2010; Искандарова Ш.Т., Искандарова Г.Т., 2016; Suardana I.W. et al., 2017). Сувнинг кимёвий, минерал таркиби ўзгариши сув ҳавзаси суви микроб таркибига таъсир этиши, сув орқали юқадиган патоген микроорганизмлар, ушбу шароитга мослашиши, ўз биологик хусусиятларини ўзгартириши ўрганилган (Дусчанов Б.А. ва ҳаммуал., 2004; Нуралиев Н.А., Сагдуллаева Б.О., 2014; Aziz F. et al., 2017). Бу эса ўз навбатида сув ҳавзасида бўлган сув микрофлораси ва патоген микроорганизмлар униши ёмонлашиши ва ушбу микроорганизмларни ҳозирда мавжуд анъанавий бактериологик усуллар ёрдамида авлоди ва туригача идентификация қилиш мушкуллиги кўрсатади. Сув танқислиги шароитида, интенсив антропоген таъсир остида Ўзбекистонда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳимлиги, сув ҳавзалари микроб ва кимёвий таркиби ўзгарувчанлигини баҳолаш, доимий мониторинг катта аҳамиятга эгадир (Искандаров Т.И., Ильинский И.И., 2007; Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал., 2012; Файзиева Д.Х., Усманов И.А., 2012). Сувда тирик мавжудотларнинг мавжудлик вақти жамоат бўлиб бирлашганида узаяди (Гинатуллина Е.Н., 2013), бунда микробиологик кўрсаткичлар билан бирга гидробиологик параметрларни ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтгача сув объектлари, шу жумладан сув омборларининг санитар-гигиеник ва санитар-бактериологик тавсифига бағишланган етарлича

ишлар бажарилган, лекин амалий жиҳатдан уларнинг ҳаммаси XX асрнинг 60-70 йилларига тўғри келади. Динамикада сув объектлари сувининг фаслга боғлиқ микроб, кимёвий таркиби, гидробиологик, паразитологик параметрларини ўрганиш бўйича замонавий ишлар кам, Ўзбекистон шароитида улар амалий жиҳатдан ўрганилмаган. Бу ҳолат ушбу диссертация ишининг долзарблиги ва заруратини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ АТСС-24.5 «Ўзбекистонда иқлим ўзгариши ва сув тақчиллиги шароитида ичимлик суви кимёвий ва бактериологик сифатини таъминлаш, аҳоли саломатлигини сақлаш учун сув омборларини муҳофаза қилиш технологияси ҳамда илмий санитария-гигиеник усулларини ишлаб чиқиш» (2014-2017 йй) гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимиз сув омборлари сувидан сифатли фойдаланиш ва микробиологик хавфсизлик мониторинг механизмини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистоннинг турли типдаги сув омборлари суви микроб таркибига динамикада йил фаслларига боғлиқ ҳолдаги қиёсий тавсиф бериш;

турли типдаги сув омборлари суви кимёвий таркиби мавсумий динамикаси, шунингдек сув муҳитидан микроорганизмлар униш параметрлари билан улар ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

сув манбаларидан фойдаланишга боғлиқ ҳолда турли типдаги сув омборлари суви гидробиологик ва паразитологик сифат кўрсаткичларини илмий асослаш;

сувдан фойдаланиш самарадорлигини илмий асослаш ва ҳар хил типдаги сув омборлари суви микробиологик мониторинги механизмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистоннинг турли типдаги сув омборлари, яъни, тўлдириладиган Каттакўрғон, ўзанли Чорвоқ, аралаш Туямўйин гидроузели сув иншоатлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида танланган сув омборларининг турли нуқталаридан олинган сув намуналари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Кўйилган вазифаларни бажариш мақсадида микробиологик, кимёвий, гидробиологик, паразитологик, статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор турли сув омборлари сувидан аҳоли фойдаланишида саломатлик ҳолатида ижобий кўрсаткичлари ва микробиологик хавфсизлиги асосланган;

илк бор йил фаслларига боғлиқ ҳолда турли сув омборлари суви патоген микроорганизмларининг турли ичак касалликларининг ривожланиши ва ҳаётга хавф солувчи хусусиятларининг қиёсий тавсифи очиқ берилган;

сув ҳавзалари, шунингдек сув омборлари суви сифатини баҳолашда Давлат стандартига киритиш учун *Cryptosporidium spp* нинг патогенлик кўрсаткичлари исботланган;

сувнинг ифлосланиш даражасини динамикада назорат қилиш, сув омборларини тўлдирувчи оқимларни табиий ва сунъий бошқарилишига превентив таъсир қилишга имкон яратадиган сув омборлари микробиологик мониторинг механизми яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сув омборлари типи ва йил фаслларига - қиш-баҳор ва ёз-куз мавсумларига боғлиқ бўлган Ўзбекистон сув омборлари суви бактериологик, гидробиологик ва паразитологик сифат кўрсаткичлари баҳоланган;

Ўзбекистоннинг санитария-эпидемиология хизмати амалиётига киритиш учун «Сув ҳавзаси санитар паспорти» ишлаб чиқилган;

сув омборлари суви гидробиологик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тадқиқот услуби оптимизация қилинган ва санитария-эпидемиология хизмати амалиётига тавсия этилган;

мазкур минтақада сув омборларини лойиҳалаш, қуриш мақсадида ўтказиладиган сув манбаларини олдиндан баҳолаш учун кетадиган маблағларни тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган микробиологик тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, сув намуналари ва олинган нуқталар сонининг етарлилиги, статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, сув омборлари сувидан фойдаланиш самарадорлигини илмий асослаш ва микробиологик мониторинг механизминини ишлаб чиқиш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг ҳар хил типдаги сув омборлари жойлашган ҳудудларда истиқомат қиладиган аҳолининг сувдан фойдаланиш самарадорлиги ва хавфсизлигини, йил фаслига боғлиқ ҳолда сувнинг микроб билан ифлосланганлиги, кимёвий таркиби, гидробиологик ва паразитологик параметрларини аниқлашдан иборат. Сув намуналаридан патоген ва ШПМ униши, сув омборлари микробиологик мониторинги механизми ҳақидаги назарий билимлар даражаси кенгайтирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, юза сув ҳавзалари, сув омборлари устидан оғохлантирувчи ва доимий санитария назорати ўтказишни яхшилашга, юза сув ҳавзалари билан боғлиқ республика миқёсидаги эпидемияга қарши тадбирлар самарадорлиги оширилди. Ўтказилган тадқиқотлар асосида аҳолининг сувдан фойдаланиш самарадорлиги ва хавфсизлиги ошган, сув омборлари микробиологик мониторинги яхшиланган. «Сув ҳавзасининг санитар паспорти» ишлаб чиқилган ва санитария-эпидемиология хизмати амалиётига киритиш учун

тавсия этилган. Аҳолининг хўжалик-ичимлик, маданий-маиший ва рекреацион зарурати учун Ўзбекистоннинг турли типдаги сув омборларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва хавфсизлиги таъминловчи замонавий маълумотлар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республикамиздаги сув омборлари сувидан фойдаланиш самарадорлигини илмий асослаш ва микробиологик мониторинг механизмини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув ҳавзалари сувини муҳофаза қилиш бўйича гигиеник ва эпидемияга қарши талаблар» (0318-15 сон СанМваҚ) тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йилдан 18 сентябрдаги 8н-д/23-сон маълумотномаси). Мазкур меъёрий ҳужжат юза сув ҳавзалари, шу жумладан сув омборлари устидан оғохлантирувчи ва доимий санитария назоратини ўтказишни яхшилаш, юза сув манбалари билан боғлиқ республикада эпидемияга қарши тадбирлар самарадорлигини ошириш имконини яратган.

«Ичимлик ва рекреацион мақсадлардаги сув ҳавзаларининг гидробиологик таҳлили бўйича услубий кўрсатмалар» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йилдан 18 сентябрдаги 8н-д/23-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма асосида аҳолининг сувдан фойдаланиш самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш бўйича сув омборлари микробиологик, гидробиологик ва кимёвий мониторингини самарали усуллари билан бирини ишлаб чиқиш имконини яратган.

Республикамиздаги сув омборлари сувидан фойдаланиш самарадорлигини илмий асослаш ва микробиологик мониторинг механизмини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика Давлат санитария эпидемиология назорати маркази, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани, Хоразм вилояти Ургенч тумани давлат санитария эпидемиология назорати марказлари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йилдан 12 июндаги 8н-д/123-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши сув намуналарида патоген ва ШПМ унишини, микробиологик мониторингни яхшилаш билан бирга Республика санитария-эпидемиология назорати хизмати бўйича сув микробиологик кўрсаткичларини давлат стандартига мослашиш, сув орқали юқадиган ичак инфекциялари устидан эпидемияга қарши профилактик тадбирларни ўтказишни оптималлаштириш, бактериолог ва санитария врачлари томонларидан сарфланадиган ортикча иш вақтини тежашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сув омборлари сувидан фойдаланиш самарадорлигини илмий асослаш ва микробиологик мониторинг механизмини ишлаб чиқишнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида хўжалик-ичимлик ва маданий-маиший мақсадларда фойдаланиладиган сув манбалари, Ўзбекистон сув омборлари қиёсий тавсифи, сув манбалари суви микроб таркиби таърифи, сув ҳавзалари суви санитар-микробиологик ва кимёвий тадқиқотларни ўтказиш хусусиятлари, сув объектлари суви сифатининг санитар-гигиеник тавсифи тўғрисидаги охириги йиллар адабиётларида чоп этилган маълумотлар шарҳи акс эттирилган.

Диссертациянинг **«Сув омборлари сувидан фойдаланиш самарадорлигини илмий асослаш ва микробиологик мониторинг механизмини ишлаб чиқиш, материал ва усуллар»** деб номланган иккинчи бобида муаммони ҳал этишни таъминловчи услубий ёндошувлар ва усуллар келтирилган. Ўзбекистонда уч типдаги сув омборлари мавжудлигини ҳисобга олиб (ўзанли, тўлдириладиган ва аралаш) кейинги тадқиқотлар учун тўлдириладиган - Каттақўрғон сув омбори; ўзанли - Чорвоқ сув омбори; аралаш - Туямўйин гидроузели танланган.

Санитар-гигиеник хусусиятга таалуқли маълумотларни қайд ва таҳлил қилиш учун «Сув ҳавзаси санитар паспорти» ишлаб чиқилган ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Сув намуналарини олиш қуйидаги нуқталардан амалга оширилган: сув ҳавзаси ўртасидан, тўғоннинг юқориси ва пастидан, рекреацион зонадан. Сув намуналарини олиш ва етказиш Алиева С.К. ва ҳаммуал. (2009) тавсиялари бўйича амалга оширилган. Тадқиқотни бошлаш 2,5-3,5 соатдан ошмаган.

Санитар-бактериологик тадқиқотларда сапрофит микроорганизмлар умумий сони - умумий микроб сони (УМС), умумий колиформ бактериялар (УКБ) аниқланган. Сув намуналаридан *Salmonella* spp, *Shigella* spp, *Escherichia* spp, *Enterococcus* spp, *Staphylococcus* spp ҳам идентификация

қилинган. Бактериологик тадқиқотларни ўтказишда «HiMedia» (Ҳиндистон) фирмаси озиқ муҳитларидан фойдаланилган. Барча микробиологик тадқиқотлар, шу жумладан тадқиқотларни бажариш ва натижаларни ҳисобга олиш Алиева С.К. ва ҳаммуал. (2009) тавсиялари асосида ўтказилган.

Сувнинг кимёвий таркиби ва минерализациясини аниқлаш учун сув намуналари анъанавий усуллар ёрдамида O'zDSt 950-2011 ва O'zDSt 951-2011 барча талабларига риоя қилган ҳолда олинган. Сувнинг минерализация параметрлари (умумий қаттиқлик, қуруқ қолдиқ, перманганатли оксидланиш) ва кимёвий таркиби (темир, хлоридлар, сульфатлар, нитратлар, нитритлар) аниқланган.

Сув манбаси санитар ҳолатини гидробиологик баҳолашнинг биринчи босқичи ўз ичига кузатиш пунктида сув биоценозлари тарқалганлигининг визуал кузатуви, сув намуналарини олиш аниқлиги ва биотик жамоатнинг тарқалганлиги, турли-туманлиги, кўплиги боғлиқ бўлган омилларни аниқлашни олади. Иккинчи босқич бу перифитон жамоатдан фойдаланиб, сапроблик индекси (СИ), биотик перифитон индексини (БПИ) аниқлашдир. Сув сифати биоиндикацияси учун планктонли ва бентосли умуртқасизлар (зоопланктон ва бентос), оддий сув ўтлари (фитопланктон ва перифитон), макрофитларни (сувга ярмигача ва тўлиқ ботиб турувчи олий ўсимликлар) аниқлашдан фойдаланилган.

Сув ҳавзалари ифлосланганлигини гидробиологик баҳолаш услуги республика санитария-эпидемиология хизматида фойдаланиш учун илк бор тавсия этилган. Бу усуллар сув манбалари ифлосланиш даражасини бактериологик, кимёвий таҳлиллар билан бирга экологик интерпретациядан фойдаланиб, сувдаги тирик ҳамжамоатларга ифлослантирувчи моддаларнинг кўшма таъсир самарасини аниқлаш имконини яратган.

Тадқиқот натижасида олинган маълумотларни статистик усулда қайта ишлаш учун вариацион статистика усулларида фойдаланилган, унда ўртача арифметик катталиқ (M), ўртача стандарт хатолик (m) ва нисбий хатоликлар (сони, %) олинган. Ўртача катталликларни таққослашда олинган ўзгаришларнинг статистик аҳамияти Стьюдент мезони (t) бўйича аниқланган, бунда хатоликлар эҳтимоллиги ҳисобланган (P). Статистик белгилар ўлчами бўлиб, ишончлилиқ даражаси қабул қилинган ($P < 0,05$).

Диссертациянинг **«Сув омборлари суви микроб ва кимёвий таркибини ўрганиш асосида улар сувидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили»** деб номланган учинчи бобида сув омбори самарадорлигини баҳолаш мезонлари қаторига кирувчи турли типдаги сув омбори суви микроб ҳамда кимёвий таркиби ўзгарувчанлиги даражасининг йил фаслларига боғлиқ динамикадаги қиёсий жиҳатлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Олинган натижаларни қиёслаш мақсадида меъёр сифатида 0172-04-рақамли «Ўзбекистон Республикаси минтақаларида юза сув ҳавзалари муҳофазасига гигиеник талаблар» номли СанҚваМда келтирилган параметрлардан фойдаланилган. Ушбу меъёрлар сувдан фойдаланишнинг I категория сув ҳавзалари бўйича УКБ 1000 КҲҚБ/мл дан кўп бўлмаган,

сувдан фойдаланишнинг II категория сув ҳавзалари бўйича 500 КХҚБ/мл дан кўп бўлмаган, УМС бўйича сувдан фойдаланишнинг I ва II категория сув ҳавзалари бўйича мос равишда 100 КХҚБ/мл дан кўп бўлмаган миқдорларни ташкил қилган.

Олинган натижалар УКБ, УМС параметрлари орасида мавсумга боғлиқ тафовутлар борлигини кўрсатган. Шуни ҳисобга олган ҳолда микробиологик кўрсаткичлар йил фаслларига боғлиқ ҳолда келтирилган.

Турли типдаги сув ҳавзалари суви УКБ ва УМС баҳорги кўрсаткичлари бир биридан фарқ қилган. Каттақўрғон сув омборида УКБ намуна олинган жойдан қатъий назар меъёр кўрсаткичларидан паст бўлган - мос равишда сув ҳавзаси ўртасидан $3,0 \pm 1,1$ 1 дм³ сувда; тўғон юқориси сув намуналаридан $85,8 \pm 3,8$ 1 дм³ сувда; тўғон пасти сув намуналаридан $8,1 \pm 1,7$ 1 дм³ сувда ва рекреацион зона сув намуналаридан $22,4 \pm 2,4$ 1 дм³ сувда.

Туямўйин гидроузели бўйича УКБ кўрсаткичлари Каттақўрғон сув омбори маълумотларидан етарлича фарқ қилган. Сув ҳавзаси ўртасидан ва рекреацион зонадан УКБ меъёрдан паст бўлган - мос равишда $358,2 \pm 5,9$ 1 дм³ сувда ва $116 \pm 3,1$ 1 дм³ сувда. Аммо, тўғондан юқори ва пастдаги УКБ параметрлари меъёрдан 20,4 ва 21,2 мартага кўп бўлган ($P < 0,001$).

Чорвоқ сув омбори УКБ параметрлари бошқа қиёсланаётган сув омборлари кўрсаткичларидан кескин фарқ қилган. Намуна олинган нуқталардан қатъий назар барча кўрсаткичлар бир биридан ишонарли фарқ қилмаган. Агар сув омбори ўртасидан олинган сув намуналарида УКБ $3,3 \pm 1,1$ 1 дм³ сувда бўлган бўлса, тўғоннинг юқориси ва пастидан олинган кўрсаткичлар солиштирилаётган параметрдан бирмунча юқори бўлган (мос равишда $12,7 \pm 1,8$ ва $8,0 \pm 1,7$ 1 дм³ сувда). Рекреацион зона параметрлари ($3,7 \pm 1,2$ 1 дм³ сувда) амалий жихатдан сув ҳавзаси ўртасидан олинган маълумотлардан фарқ қилмаган. Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, Чорвоқ сув омбори суви намуналари УКБ бўйича сифати солиштирилаётган иккала сув омбори ушбу кўрсаткичларидан юқори бўлган.

Баҳорда УМС параметрларини сув омборлари типи ва намуналар олинган нуқталарга боғлиқ ҳолда ўрганиш қиёсланаётган сув ҳавзалари орасида фарқ қилувчи ишонарли кўрсаткичлар олинганини кўрсатган.

Каттақўрғон сув омборида сув намуналари олинган нуқталардан қатъий назар барча параметрлар меъёрдан юқори бўлган - сув ҳавзаси ўртасидан 1,5 мартага ($153,0 \pm 4,8$ КХҚБ/100мл), тўғондан юқоридан 5,1 мартага ($514,1 \pm 7,4$ КХҚБ/100 мл), тўғондан пастдан 3,3 мартага ($326,0 \pm 5,9$ КХҚБ/100 мл) ва рекреацион зонадан 1,8 мартага ($183,4 \pm 5,1$ КХҚБ/100 мл).

Туямўйин гидроузели маълумотлари бирмунча фарқли бўлган, иккита ҳолатда УМС параметрлари меъёрдан паст бўлган (сув ҳавзаси ўртасидан - $21,1 \pm 2,3$ КХҚБ/100мл ва рекреацион зонадан - $31,8 \pm 2,7$ КХҚБ/100 мл), шуни таъкидлаш жоизки, тўғондан юқори ва пастдан олинган сув намуналарида УМС мос равишда 3,2 ($317,5 \pm 6,0$ КХҚБ/100 мл) ва 2,6 мартага ($262,9 \pm 5,4$ КХҚБ/100 мл) меъёр кўрсаткичидан юқори бўлган.

Чорвоқ сув омбори бўйича УМС барча параметрлари сув намуналари олинган жойдан қатъий назар меъёр чегараларида бўлган - $7,6 \pm 1,5$ КХҚБ/100 мл дан (сув ҳавзаси ўртаси) $31,0 \pm 2,6$ КХҚБ/100 мл гача (тўғондан паст).

Турли типдаги сув омборларининг УКБ ва УМС бўйича сув сифати баҳорда бир биридан ишонарли фарқли бўлган. Энг сифатли сув Чорвоқ сув омборида, кейинги ўринда Каттақўрғон сув омбори бўлган. Сувининг сифати энг ёмони Туямўйин гидроузелида бўлган. Таъкидлаш лозимки, Каттақўрғон ва Чорвоқ сув омборлари ушбу параметрлари намуналар олинган нуқталарга кам боғлиқ бўлган, аммо Туямўйин гидроузелида бу фарқлар ишонарли бўлган. УКБ ва УМС барча параметрлари тўғондан юқори ва пастдан олинган сув намуналарида меъёрдан ишонарли юқори бўлган. Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқадики, бугунги кунда очиқ сув ҳавзалари, шу жумладан сув омборлари суви намуналарини санитар-бактериологик текширишда ушбу икки микробиологик кўрсаткичнинг аҳамияти катта. Шуни инобатга олган ҳолда, баҳорда сув омборлари сувидан фойдаланиш самарадорлиги, хавфсизлиги ва ишончлилигини аниқлашда, шунингдек турли типдаги сув омборлари микробиологик мониторингини ўтказишда ушбу параметрлар аҳамияти катта, деб ҳисобланган.

Микробиологик параметрларнинг баҳорги кўрсаткичлари билан қиёслаш мақсадида ушбу тадқиқотлар ёзда ҳам ўтказилган.


Каттақўрғон сув омбори суви УКБ параметрлари ёзда намуна олинган нуқталардан қатъий назар меъёр ва баҳорги кўрсаткичлардан юқори бўлган. Агар баҳорда барча параметрлар намуна олинган жойдан қатъий назар меъёрдан паст бўлган бўлса, ёзда бунинг тескарисини кузатдик, яъни барча кўрсаткичлар бир неча баробар меъёрдан юқори бўлишган.

Аниқланишича, ёзда сув ҳавзаси ўртасидан аниқланган УКБ 2,3 мартага ($1165,9 \pm 9,1$ 1 дм³ сувда), тўғондан юқоридан 10,7 мартага ($5331,1 \pm 13,1$ 1 дм³ сувда), тўғондан пастдан 1,2 мартага ($608,9 \pm 8,2$ 1 дм³ сувда) меъёрдан юқори бўлган. УКБ юқори миқдори рекреацион зона сув намуналарида кузатилган ($9696,3 \pm 17,6$ 1 дм³ сувда), у келтирилган меъёрдан 19,4 марта юқори бўлган.

УКБ бўйича шунга ўхшаш, аммо катта интенсивликдаги параметрлар Туямўйин гидроузели суви намуналарида кузатилган. УКБ миқдори бўйича тафовут сув ҳавзаси ўртасидан олинган намуналарда аниқланган ($2414,1 \pm 11,4$ 1 дм³ сувда). Тўғондан юқори ва паст, шунингдек рекреацион зонадан олинган сув намуналарида УКБ энг кўп миқдорда учраган - мос равишда $13792,6 \pm 22,6$; $12729,6 \pm 22,1$ ва $13503,7 \pm 22,5$ 1 дм³ сувда.

Чорвоқ сув омборида амалий жиҳатдан барча параметрлар баҳорги кўрсаткичлардан юқори бўлса ҳамки, аммо меъёр чегараларида бўлган, бундан рекреацион зона сув намуналари кўрсаткичлари мустасно. У ердан олинган сувда УКБ меъёрдан 2,6 мартага ($1317,8 \pm 9,9$ 1 дм³ сувда) кўп бўлган.

Шундай қилиб, УКБ параметрлари бўйича барча ўрганилган сув омборларида ёзги кўрсаткичлар баҳорги кўрсаткичлардан ишонарли юқори бўлган (1-расм). Ёзда УКБ параметрларининг баҳорги кўрсаткичларга нисбатан юқори бўлиши нафақат ҳарорат омили, балки антропоген омил таъсирининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ бўлган.



1-расм. Сув омбори типи ва йил мавсумига боғлиқ ҳолда УКБ нинг меъёрга нисбатан қиёсий кўрсаткичлари (СХЎ - сув ҳавзаси ўртаси; ТЮ - тўғондан юқори; ТП - тўғондан паст; РЗ - рекреацион зона).

Шуни таъкидлаш лозимки, Чорвоқ сув омборининг УКБ бўйича ёзги кўрсаткичлари меъёрнинг юқори чегараларигача етиб бормаган. Бундан рекреацион зона параметрлари мустасно бўлиб, УКБ нинг меъёрдан ошиши кузатилган. Сув омборларидан фойдаланиш самарадорлиги ва хавфсизлигини бундай кўринишда асослаш Ўзбекистоннинг турли типдаги сув омборларида микробиологик мониторинг ўтказиш заруратини асослайди.


Ёзда олинган УМС кўрсаткичларини ўрганиш шуни кўрсатдики, амалий жиҳатдан барча параметрлар меъёрдан юқори ва/ёки баҳорги кўрсаткичлар даражасида бўлган.

Каттақўрғон сув омбори суви УМС параметрлари ёзда намуна олинган нуқталардан қатъий назар меъёрдан юқори бўлган. Агар сув ҳавзаси ўртасидан олинган сув намунасида униш $162,7 \pm 4,9$ КХҚБ/100мл миқдорида бўлган бўлса (1,6 марта кўп), тўғондан юқори ва паст нуқталар натижалари амалий жиҳатдан шу даражада бўлган - мос равишда $158,2 \pm 4,6$ КХҚБ/100 мл ва $163,5 \pm 4,6$ КХҚБ/100 мл (1,6 мартадан) кўп. Бу маълумотлардан фаркли равишда рекреацион зона УМС да меъёрдан ошиш 2,8 марта бўлган ($P < 0,01$).

Юқоридагига ўхшаш натижа Туямўйин гидроузели сувидан УМС ни аниқлаш бўйича ҳам кузатилган, унда барча ёзги параметрлар меъёр ва баҳорги кўрсаткичлардан ишонарли юқори бўлган ($P < 0,001$). Бунинг тасдиғи сифатида сув ҳавзаси ўртасидан олинган сув намунасида УМС меъёрдан 4,4 мартага ($438,9 \pm 7,0$ КХҚБ/100мл), тўғондан юқорида 4,9 мартага ($494,8 \pm 7,3$ КХҚБ/100 мл), тўғондан пастдан 5,1 мартага ($510,7 \pm 7,4$ КХҚБ/100 мл) ва рекреацион зонадан 4 мартага ($397,0 \pm 6,1$ КХҚБ/100 мл) ошгани келтирилган.

Чорвоқ сув омбори суви намуналаридаги УМС баҳорги кўрсаткичлар даражасида бўлиб, меъёрдан паст бўлган, бундан рекреацион зона мустасно бўлиб, унда баҳорги кўрсаткичларга нисбатан 7,4 марталик, меъёр маълумотларига нисбатан 1,3 марталик ошиш кузатилган. Умуман, Чорвоқ сув омбори суви УМС меъёр даражаларида бўлгани таъкидланган.

Шундай қилиб, УМС параметрлари сув омбори типи ва йил мавсумига боғлиқ ҳолда турлича бўлган (2-расм), аммо ушбу сув омборлари суви кўрсаткичлари сув намунаси олинган нуқталарга боғлиқ бўлмаган.



2-расм. Сув омбори типи ва йил мавсумига боғлиқ ҳолда УМС нинг меъёрга нисбатан қиёсий кўрсаткичлари (СХЎ - сув ҳавзаси ўртаси; ТЮ -тўғондан юқори; ТП-тўғондан паст; РЗ-рекреацион зона).

Таъкидлаш жоизки, Каттакўрғон сув омбори (тўлдирилувчи типдаги) ва Туямўйин гидроузели (аралаш типдаги) ёзда олинган УКБ ва УМС параметрлари намуна олинган жойлардан қатъий назар меъёр кўрсаткичларидан юқори бўлган. УКБ ва УМС униши интенсивлиги бўйича ёзги кўрсаткичлар баҳорги параметрларга нисбатан ишонарли юқори бўлди. Бу ҳолат Чорвоқ сув омборига (ўзанли тип) таалуқли бўлмай, у ерда УКБ ва УМС, ҳам баҳорги ҳам ёзги параметрлари меъёр чегараларида бўлган (ёзда рекреацион зонадан ташқари).


Ўтказилган микробиологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, турли типдаги сув омборлари сувидан фойдаланиш самарадорлиги ва хавфсизлиги, микроб билан ифлосланиш даражасини аниқлаш учун сув омборлари микробиологик мониторингини мавсумга (баҳор ва ёз), ойма-ой (апрел, май, июн, июл, август) ўтказиш лозим. Фақат шу ҳолатдагина сув омборлари суви микроб билан ифлосланиш ўзгаришлари динамикаси устидан назорат ўтказиш мумкин.

Туямўйин гидроузели таркибида 3 та сув омбори (Ўзанли, Капарас ва Султон Санжар) борлигини инобатга олиб, улар сувидан турли мақсадларда фойдаланилишига қараб, шу сув омборларида УКБ ва УМС кўрсаткичларини қиёсий жиҳатдан ўрганиш зарурати туғилган.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, Капарас ва Султон Санжар сув омборларида УКБ униши баҳорги кўрсаткичлари меъёр чегараларида бўлган, аммо ўзанли сув омборида бошқача манзара кузатилди, яъни меъёрдан 21,4 марта ($1697,2 \pm 17,9$ л дм³ сувда) ошгани кузатилди. Капарас ва Ўзанли сув омборлари ёзги кўрсаткичлар баҳорги параметрлардан паст бўлди.

Ўзанли сув омбори кўрсаткичлари асосан параметрлар даражасида бўлган. Султон Санжар сув омбори суви намуналарида ёзда кўрсаткичлар меъёрдан паст бўлгани ҳолда, баҳорги маълумотлар даражасида бўлган. УМС бўйича баҳорги параметрлар меъёрдан паст бўлгани ҳолда, ёзда Капарас ва

Ўзанли сув омборларига нисбатан 6 мартага юқори бўлган ($P < 0,01$). Султон Санжар сув омборида УМС кўрсаткичлари баҳорги маълумотлар даражасида бўлиб, меъёрдан пастлиги кузатилган (3-расм).



3-расм. Туямўйин гидроузели сув ҳавзаларида УКБ ва УМС нинг йил мавсумига боғлиқ ҳолда меъёрга нисбатан кўрсаткичлари

Юқорида келтирилган ҳолат Султон Санжар сув омборига сув оқимининг Ўзанли сув омборидан Капарас сув омбори орқали ўтиши билан изоҳланган. Бунда сув Капарасда тинади ва Султон Санжарга тиндирилган сув ўтади. Бунда сувдаги турли микроорганизмлар муаллақ турувчи кум ва лой бўлакчалари, шунингдек кимёвий моддалар билан биргаликда сув тубига чўқади, сув юзаси бўлса, тинган ҳолда қолади. Шунини таъкидлаш лозимки, Капарас ва Султон Санжар сув омборларида тез оқим кузатилмайди. Бу эса муаллақ бўлакчалар, кимёвий моддалар, микроорганизмларнинг сув омбори тубидан лойқа сифатида сув юзасига кўтарилишини таъминламайди. Сув омборининг шу кўринишда лойиҳалаштирилиши ва қурилиши Султон Санжар сув омбори сувидан шу минтақа аҳолиси томонидан ичимлик суви сифатида фойдаланиш учун қилинган. УКБ ва УМС қиёсий маълумотлари сув омборлари бир биридан ажратиб қурилиши ўзини оқлаганини кўрсатган.

Илмий тадқиқотнинг кейинги босқичи турли типдаги сув омборлари сув намуналаридан патоген ва ШПМ унишларини қиёсий ўрганиш бўлган. Бунда *Salmonella* spp, *Shigella* spp, *Escherichia* spp, *Enterococcus* spp, *Staphylococcus* spp идентификация қилинган.

Каттақўрғон сув омбори суви намуналаридан турли микроорганизмлар унишини ўрганиш бўйича микробиологик тадқиқотлар шунини кўрсатдики, амалий жиҳатдан барча ҳолатларда, шу жумладан баҳор ва ёзда ҳам ушбу микроорганизмларнинг маълум фоизларда унган. *Shigella* spp униши намуна олиш нуқталаридан қатъий назар, ёзда кам бўлган, тўғондан пастда ва рекреацион зонада идентификация қилинмаган. Баҳорда бўлса, шигеллалар униши аҳамиятсиз даражада кўпайгани аниқланган. *Salmonella* spp униши бўйича натижалар шигеллалар маълумотларига ўхшаш бўлган. Улардан фарқли равишда салмонеллалар, ҳам ёз ҳам баҳор фаслида идентификация қилинган. *Escherichia* spp бўйича бирмунча фарқли кўрсаткичлар олинган, уларнинг униш интенсивлиги *Salmonella* spp, *Shigella* spp дан юқори бўлган. Агар сув ҳавзасининг ўртасидан ва тўғон юқорисидан улар униши баҳорда

кўп бўлса (мос равишда $55,6 \pm 6,2\%$ ва $66,7 \pm 7,3\%$), тўғондан юқори ва рекреацион зонадан униш кўрсаткичлари ёзда юқори бўлган (мос равишда $66,7 \pm 7,3\%$ ва $55,6 \pm 6,2\%$). Сув намуналаридан *Staphylococcus spp* униши бўйича олинган натижаларда қонуниятлар кузатилмаган. Барча нуқталардан улар ёзда баҳорда нисбатан ишонарли даражада кўп унган ($P < 0,001$). Шунга ўхшаш тенденция энтерококклар бўйича ҳам сақланиб қолган.

Юқоридагига ўхшаш микробиологик тадқиқотлар биз томондан Туямўйин гидроузели бўйича ҳам ўтказилган. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, *Salmonella spp*, *Shigella spp*, *Escherichia spp*, *Enterococcus spp*, *Staphylococcus spp* униши ва аниқланиш интенсивлиги бўйича Каттақўрғон сув омбори маълумотларига нисбатан паст бўлган. Бу эса сув омборларидан микроорганизмлар доимо ва юқори интенсивликда фақатгина антропоген омил таъсирида унишининг яна бир исботи бўлди. *Escherichia spp*, *Enterococcus spp* униш тенденцияси аввалгидек сақланиб қолган (ёзда рекреацион зонадан ташқари).

Сув омборлари бўйича алоҳида текширишлар юқорида кўрсатилган микроорганизмлар униши пастлиги ёки умуман унмаганини кўрсатган. Ёзда ва баҳорда шигеллалар, салмонеллалар ва стафилакокклар униши амалий жиҳатдан кузатилмаганини таъкидлаш жоиз. Эшерихиялар ва энтерококклар униши бўйича ҳам маълум қонуниятлар кузатилмаган.

Шунга ўхшаш микробиологик тадқиқотлар Чорвоқ сув омбори сувида ҳам бажарилган. Олинган натижалар шигелла ва салмонеллаларнинг йил мавсуми, намуна олинган нуқталардан қатъий назар унмаганини кўрсатган, бу эса ушбу сув омбори суви сифати юқори эканлигини тавсифлаган. Стафилакокклар ёзда катта миқдорда рекреацион зона сувидан унган, бу эса сув омбори суви намуналарида стафилакоккларнинг антропоген таъсир натижасида пайдо бўлганлигини тавсифлаган. Эшерихиялар, энтерококклар бошқа солиштирилаётган микроорганизмларга нисбатан кўпроқ унган бўлса ҳамки, униш интенсивлиги ёзда фақат тўғондан юқорида, тўғондан пастда ва рекреацион зонада кузатилган.

Микроорганизмлар униш интенсивлиги бўйича тўлдирилувчи ва аралаш сув омборлари кўрсаткичлари ўзганли суви омборига нисбатан юқори ўринда туриши аниқланган.

Сув омборларининг ўзига хослиги шундан иборатки, сув таркиби унинг ҳолатига қараб ўзгариб туради (тўлдириш ва чиқариш), шунга мос ҳолда сувнинг минераллашуви кўрсаткичлари ва кимёвий таркиби ҳам ўзгаради. Шу муносабат билан турли типдаги сув омборлари - Каттақўрғон, Туямўйин, Чорвоқ суви минерализация кўрсаткичлари ва кимёвий таркиби ўрганилган.

